O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 9-aprel • Payshanba • 42 (29.003) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.
Ислом КАРИМОВ

Намангандаги «Nestle Ўзбекистон» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш борасида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.



Корхонада жорий йилнинг дастлабки чорагида 17 турда қарийб 30 минг тонна халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Уларнинг 12 турини сут маҳсулотлари, болажонлар учун мўлжалланган озиқ-овқатлар ташкил этади. Маҳсулотни четга экспорт қилиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 107 фоиз ортди.

Суратларда: *оператор Насимжон Нишонов; корхона фаолиятидан лавҳалар.*



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ТАШАББУС КЎРСАТИШГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

Март ойида Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланган эди. Бугунги кунда жойларда ушбу сиёсий тадбир давом этаяпти.

Нукус туман халқ таълими бўлими, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника, «Жарқўрғоннефть» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти каби идора ва ташкилотларда партиямиз бошланғич бўғинининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари намунавий шаклда ташкил этилди. Бунда нафақат шу ташкилот атрофида бирлашган аъзолар, балки ҳудуддаги барча БПТ етакчилари, партия фаоллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам иштирок этдилар.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, бундай бошланғич ташкилотларда ҳисобот даврида кўплаб тадбирлар амалга оширилган. Партия дастурий мақсадларини кенг тарғиб этиш, партия аъзоларининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, электорат вакиллари дуч келаётган муаммоли масалаларни ўрганиш ва уларнинг ечими бўйича корхона, ташкилот раҳбарлари, туман ёки шаҳар партия кенгашларига таклиф киритиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Аммо, амалий ишлар билан шуғулланишни унутган, ташаббуссиз, ҳаракати суст БПТ ҳам оз эмас. Масалан, Самарқанд вилоятида бугунги кунда партиямизнинг 806 та бошланғич ташкилоти мавжуд. Март ойида улардан 329 тасида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтди. Айрим туманларда собиқ ширкатлар қошида бўлган БПТ ҳамон эски ном билан ҳужжатларда қайд этилган. Аъзолар билан ишлаш эса ёддан кўтарилган, уларнинг ҳисобини юритиш ҳам ўлда-жўлда. Бошланғич ташкилот раислари тез-тез алмаштирилиб, кўп ҳолларда бундан аъзолар бехабар қолган.

Айрим бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини номигагина ўтказиш ҳоллари учрамоқда.

Навоий вилоятида ЎзХДПнинг 445 та бошланғич ташкилоти бўлиб, бугунги кунга қадар уларнинг 156 тасида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди. Сўзга чиққанлар БПТ фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар, туман, шаҳар партия кенгашларининг қуйи бўғинга эътиборсизлигини ошкора танқид қилдилар.

2-бет

«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиздир. Бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо хазинамиздир.

Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур ва ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуғ неъматки, ҳаёт йўлларида, оғир ва машаққатли синовларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга даъват этади.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз, Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш — бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ана шундай олижаноб туйғуларни камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган, мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1091-сонли қарорига мувофиқ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **«Ягонасан, муқаддас Ватан!»** республика кўрик-танловини эълон қилади.

Танлов уч босқичда ташкил этилади:

I босқич — 2009 йил 15 апрелдан 1 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда туман ва шаҳарлар миқёсида ўтказилади.

II босқич — 1 июлдан 20 июлгача

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида вилоят босқичи бўлиб ўтади.

III босқич — 20 июлдан 10 августгача

Тошкент шаҳрида республика миқёсида ўтказилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мутасадди ташкилотларнинг тавсиялари асосида профессионал, ҳаваскор якка ижрочилар ҳамда бадиий жамоалар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари учта йўналиш (матн, мусиқа, ижро маҳорати) бўйича аниқланади ҳамда улар махсус диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин учун
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
9 000 000 сўм

Иккинчи ўрин учун
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
6 000 000 сўм

Учинчи ўрин учун
(мукофот ғолиблар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади)
3 000 000 сўм

Танловда ғолиб бўлган қўшиқлардан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам тантаналарида фойдаланилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 13-қават, 9-хона, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Телефон: 239-43-73.

✓ Бугун — Амир Темур таваллуд топган кун!

СОҲИБҚИРОН ЎГИТЛАРИ

Адлу инсоф билан жаҳон гулшани обод бўлади.

✧✧✧

Адоват эмас, адолат керак.

✧✧✧

Белгилаб қўйилган ишни тўғри тадбир, қатъий жазм, сабр-тоқат ва эҳтиёткорлик билан, кейинини ўйлаб қил.

✧✧✧

Бир калима ширин сўз қилични қинига солади.

✧✧✧

Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзалроқ.

✧✧✧

Бир кун келадики, золимлар бармоқларини тишлаб қоладилар.

✧✧✧

Бировдан ёмонлик ахтарма, айтсалар эшитма.

✧✧✧

Бошингга кулфат тушганда ҳам ҳақгўй бўл.

✧✧✧

Ёзилган (китоб) авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

✧✧✧

Уламо ва пок ниятли, тоза қалб кишиларга талпиниб яша.



❖ Фракция фаолияти

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ҳар биримизнинг вазифамиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан учрашувида бу ҳақда алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобида белгиланган вазифалар мавзусига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, депутат Боймурод Юсуповлар сўзга чиқди.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора қамраб, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли ҳаёт даражасининг ёмонлашувига олиб келмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашуви тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олсак, бу жараён, аввало унинг оқибатлари мамлакатимизга ҳам таъсир кўрсатади.

2-бет

• АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ЗИЛЗИЛА

6 апрель куни кечаси Италиянинг марказий ҳудудларидан бўлмиш Абруццо вилоятида юз берган Рихтер шкаласи бўйича 6,3 магнитудага тенг ер силкиниши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан азият чекаётган халқаро жамоатчиликни яна ларзага солди.

3-бет

• КИТОБ — ТАФАККУР ҚАНОТИ!

Бу баландпарвоз ган эмас, ҳаётий ҳақиқат, дейди фарғоналик зиё тарқатувчилар

Хўш, шундай экан, биздаги китобхонлик қай даражада? Ўзимиз фарзандларимизга ибрат кўрсатиб янги китоблар сари интилаяпмизми? Ёки уларга китоб совға қилаяпмизми?

4-бет

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ТАШАББУС КЎРСАТИШГА НИМА ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА?

Масалан, Кармана туманидаги «Деҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини, Навоий шаҳридаги Абдулла Қодирий номли вилоят ахборот-кутубхона маркази ва бошқа жойлардаги бошланғич ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ўқувлар деярли ўтказилмаётгани, жамоада, ҳудудда партия ташкилотининг ўрни, таъсири сезилмаётгани тан олинди.

Умуман, мониторинг натижалари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда бундай ҳолатлар учраётганини кўрсатмоқда. Ҳисобот-сайловлар жараёнида эса қаерда БПТ яхши ишлаётгани, қаерда номигагина мавжудлиги очиқ-ойдин кўзга ташланаяпти. Партия ташкилотининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо беришда ҳам танқидий муносабат, БПТни фаоллаштириш, кучайтириш, такомиллаштириш борасида дадил фикрлар етишмаяпти.

Шуни унутмаслик керакки, бошланғич ташкилот — сиёсий кучнинг асосий устуни. Аҳоли кенг қатламлари, электорат орасига чуқур кириб боришда муҳим механизмидир. Партиянинг сиёсий мавқеини ошириш, юқори органлари қарорларининг ижросини таъминлаш ҳар жиҳатдан БПТ фаолиятига боғлиқ. Бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчилари тимсолида одамлар сиёсий кучга баҳо беради. Шунинг учун ҳам қуйи бўғин фаолияти самарадорлигини ошириш, уларда партиявий интизомни мустаҳкамлаш, фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтириш партия учун муҳим сиёсий, стратегик аҳамиятга эга масаладир.

Ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари эса БПТга янгича руҳ, янги куч, янги ғайрат, шижоат бағишлайдиган муҳим тадбирдир.

Аммо, партиямизнинг барча бошланғич ташкилотлари етакчилари, туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари бу ҳақиқатни чуқур англаб етмаётган кўринади. Чунки, ўтган беш йил давомида деярли фаолият кўрсатмаган БПТ раислари очиқ танқид қилинмаяпти. Туман, шаҳар партия кенгашлари раислари ҳам бу масалага жиддий ёндашмаётган ҳолларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Яна бир масала. Бугунги кунда қарийб бутун дунё мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз ҳолати кузатилмоқда. Бу жараённинг иқтисодиётимизга ҳам таъсирини ҳисобга олиб, мамлакатимизда махсус дастур қабул қилинди. Аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга ошириб келинмоқда. Партия Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз ҳам бу борада тадбирлар режасини ишлаб чиқди ва амалга ошириб келмоқда. Бунда асосий эътибор аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари, яъни партиямиз электорати манфаатини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилган. Бироқ, баъзи маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, бошланғич ташкилотлар мазкур жараёнлардан четда қолмоқда. Бунга етакчилар масъулиятининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда бир савол кишини ўйлантиради. Фаоллик, ташаббус кўрсатиш, фидойилик билан ишлашга нима халақит бераяпти? Ким тўсқинлик қилмоқда? Ахир сиёсий партияларга катта ваколат берилган, бунинг учун барча ҳуқуқий асослар яратилган, одамлар фаолиятимизни кузатиб турган бир пайтда биз нега хотиржаммиз? Нега имкониятлардан фойдаланмаймиз?..

Ҳамма гап етакчилар, фаолларнинг ўзида қолган, назаримизда. Номига ишлаш, хўжакўрсинга тадбир ўтказиш давом этса, сиёсий куч жамиятда қандай обрў-эътиборга эга бўлиши мумкин? Бу ҳақда партиямизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фаоли, ҳар бир етакчиси жиддий ўйлаб кўриши керак.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Самарқанд шаҳрини рўйи замин сайқали деб шарафланишида, унинг буюклар бешиги, миллат фахрига айланишида, бу қадим юртда илм-фан, маънавият ва меъморчилик равнақ топишида Амир Темурнинг меҳнатлари, заҳматлари беқиёс.

Бироқ, у давлат тепасига келган вақтда азалдан муҳим сиёсий марказлардан бири бўлган, бу қадим шаҳар мўғуллар зулмидан харобага айланганди. Самарқандниг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган манзиллигини чуқур англаган Амир Темур уни ўз салтанатининг пойтахти қилиб танлади.

Соҳибқирон давлатининг бош шаҳри ҳар томонлама пойтахт талабига жавоб бера олиши керак эди. Ана шу мақсадда Самарқанд унинг қадимий маркази Афросиёбдан жануброқда бутунлай янгича асосда қурилди. Унинг бугунги маҳобати, гўзаллигига замин яратувчи қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилди.

Навқирон Самарқанд замон руҳи билан ҳамнафас ҳолда бунёд этила бошланди. Атрофи мустаҳкам қалъа девори билан ўралди. Унга Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби олтита дарвоза ўрнатилди. Шаҳар аркида Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсарой барпо қилинди. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қопланганди. Унда тошдан тахтакурси — Кўктош қўйилганди. Булардан ташқари Аркда давлат девонхонаси, қурол-яроғ устахонаси ва аслаҳахона, зарбхона кабилар барпо этилади.

Соҳибқирон Самарқандда дунёдаги энг йирик меъморчилик тимсолларидан бири саналган Бибихоним жомеъ масжидини қурдиради. Бу бино шу қадар гўзал бўлиб, бутун Шарқнинг тенгсиз иморатларидан бири эди. Уни ўз кўзи билан кўрган Испания элчиси Клавихо ҳаяжон билан қўйидагиларни ёзиб қолдирган: «Бу улуғ амир барпо этган энг йирик иншоот ва дунёдаги энг катта масжидлардан бири эди. Уни салтанатнинг турли вилоятларидан келтирилган ўнлаб энг яхши меъморлар, муҳандислар, наққошлар ва ғишт терувчилар тўрт йил ичида қуриб битказишди. Бинога етти хил маъдан қоришмасидан ишланган, зангламас ва жарангдор, тилла суви юритилган бронза дарвоза ўрнатилганди».

Мазкур иншоотнинг энг катта марказий зали пойдевори қурилишига беш юз сангтарош кесиб тайёрлаган оғир тошлар филлар ёрдамида етказиб берилган. Залнинг тепасига ердан уч юз метрча баландликда улкан — «Самарқанд мовий гумбази» тикланган.

Соҳибқирон Самарқандниг бир-биридан гўзал ва бетакрор иморатларини меъморчилигимизнинг бетакрор услублари уйғунлигида қурдириб, ўзига хос ечимлар топилишида бош бўлган. Демак, турли услублар ўртасида интеграция юз берган. Бир сўз билан айтганда, бу муҳташам ва салобатли бинолар орқали том маънода маданиятлараро кўприк қўйилган.

Хорижлик баъзи олимларнинг эътироф этишича, Амир Темур томонидан қурилган иморатлар орадан неча юз йиллар ўтса-да, дунёнинг энг гўзал иншоотларидан устунлиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, улар кейинги юз йилликларда мусулмон дунёсида бунёд этилган йирик қурилишларда Амир Темур салтанати меъморчилиги мактабидан андаза олингани, унга тақлид этилгани ҳақида ҳам ёзиб қолдирганлар.

Академик Иброҳим Мўминов Соҳибқироннинг яратувчилик маҳоратини юксак баҳолаб шундай ёзган: «Темур Самарқанддаги аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. У Кўксарой, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ҳамда шаҳар атрофида «Боғи Чинор», «Боғи Шамол», «Боғи Дилкушо», «Боғи Беҳишт», «Боғи Нав» каби боғ ва саройлар яратди. Йўллар қуриб, Кўқон-Зарафшон дарёлари, кейинчалик Амударё ва Сирдарёга кўприк қурилди, Тошкент атрофига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Шаҳар типидаги Оҳангарон қишлоғи қурилди. Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона, Туркистонда карвонсаройлари ва бошқа қурилишлар билан бирга, ирригация иншоотлари қад кўтарди. Шаҳар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган миқёсда, масштабда олиб борилди».

Бизнингча, бу бунёдкорлик ишларида Амир Темур давлатчилигининг янгича нафаси уфуриб турибди. Бунёдкорлик ишлари давлатчиликда муҳим аҳамият касб этиб, давлат қудрати билан уйғунликда бир-бирини тўлдирган. Бу кўркам қурилишлар тинчлик, тараққиёт ва гўзаллик тимсоллари эди.



Соҳибқирон Самарқанд атрофига бир-биридан гўзал Шероз, Султония, Дамашқ, Миср, Бағдод каби қишлоқлар барпо этди. Бундай номли шаҳарлар ўша даврда дунёнинг энг нуфузли кентларидан эди. Амир Темур эса айнан Самарқанд атрофида шундай номдаги гўзал қишлоқларни барпо этди ва уларга нисбатан Самарқандниг тутган мавқеини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, Самарқанд катталиги, гўзаллиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди.

Бу даврда олиб борилган бунёдкорлик ишларининг деярли барчасида илмий лойиҳа, меъморий-бадиий ечим, нур ва соя услублари юксак даражада ишлаб чиқилган ҳамда бу қурилишлар аниқ режалар асосида олиб борилган.

Маълумотларга кўра, 1397 йил баҳорида Амир Темур Самарқанднинг машҳур боғларидан бири «Боғи Шамол»да ажойиб бир сарой қурдирган. Қурилишни тезроқ ниҳоясига етказиш учун нафақат меъморлар, балки аскарлар ҳам жалб этилган. Ўзи эса иш боришини назорат қилиб туриш учун қурилиш майдонига чодир тикдиради.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Самарқанднинг жануб томонида «Боғи Беҳишт» саройи бўлган. Ушбу сарой ҳандақ билан ихота қилинган сунъий тепа устига Табризнинг соф оқ мармаридан бино этилган. Бир неча кўприклар шу боққа уланган, бир томонида ҳайвонот боғи қурилган. Темур бу саройни Мироншоҳнинг қизига ҳадя қилган.

Шунингдек, у Конигил даштида илгари машҳур бўлган барча боғлардан гўзал бир боғ яратди. Унинг анжирлару бошқа турли мевали дарахтлари соя ташлаб турган узун йўлакларидан ўтиб, атрофи баланд оқ мармар устунлар билан ўралган бир қасрга борилган. Амир Темур боғ ўзи ўйлаганидек чиққанлигини кўргач, унга «Боғи Дилкушо», яъни «Дилга қувонч бахш этувчи боғ» дея ном беради.

У Кеш йўли устидаги ҳайбатли қоя устига ҳам ажойиб бир сарой қурдиради. Деворлари мармар ва оқ кошин билан қопланди. Бу саройни зилол булоқлардан сув ичган ям-яшил боғ ўраб турар эди. Темур бу боққа «Тахти қорача» деб ном қўйди.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳаммаси бўлиб Самарқанд атрофида 12 та гўзал ва бетакрор боғ барпо этилган. Булар «Боғи Нақши Жаҳон», «Боғи Беҳишт», «Боғи Шамол», «Боғи Давлатобод», «Боғи Булду», «Боғи Майдон», «Боғи Баланд», «Боғи Чинор», «Боғи Жаҳон Намо», «Боғи Нау» бўлиб, улар учун ўрин танлашда жойнинг баҳаволиги, баланд-пастлиги, сув манбаининг оз-кўплиги ва табиатнинг бошқа хусусиятларига алоҳида эътибор берилган.

Маълумотларга қараганда Амир Темур даврида Самарқанд боғлари икки хил кўринишда қурилган.

1. Геометрик шаклда тартиб берилган чорбоғлар. Бу кўринишдаги боғлар тўртбурчак шаклида қурилиб, майдони 1х1 км.ни ташкил этган.

2. Табиат хушманзаралари асосида ташкил топган боғлар табиий ҳолатга барпо қилинган. Бу боғлар майдони тартибли боғларникига нисбатан кенгроқ бўлган. Зарафшон дарёси, Дарғом Аббос, Қораунас каналлари ва Обираҳмат, Боғи Шамол, Боғи Баланд ариқлари боғларни сув билан таъминлаган.

Ариқлардан ташқари боғларнинг турли қисмларидан ўрин олган ҳовузлар (25х25 : 32х64 м.), фавворалар (4х4 : 5х5 м.), шунингдек, боғ ўртасида жойлашган саройларни ўраб турган сув ҳавзалари (хандақлар кенглиги — 20-25 м.) боғларга файз киритиши билан бирга ҳавосини мусаффолаштирган, микроиқлим яратган.

Соҳибқироннинг Конигил майдонида чодирлардан катта кўчма шаҳар қургани унинг меъморчилик санъатининг муҳим қирраларидан бири ҳисобланади. Бу шаҳарнинг ўз уйлари, кўчалари, майдонлари ва бозорлари бор эди. Шаҳар қоқ марказидан Соҳибқироннинг чодири жой олган.

Клавихо ўз кундаликларида бир-биридан гўзал чодирларни таърифлаб, улардан бирининг сирти олмахон мўйнаси, ички ариси оқ мўйна билан безатилгани, яна бошқа чодирнинг сувсар мўйнаси билан қоплангани, чодир ичкарисидагилар ойнадан ташқарини кўра олишлари, ташқаридагилар эса ичкаридагиларни кўра олмаслиги, махсус мослама билан қурилган эшиклар чодир ичига ёқимли елвизак бериб туриши, чодирлардан ташқарига чиқмай махсус матолардан қурилган йўлакларидан бошқа чодирларга ўтиш мумкинлигини таъкидлаган.

Ибн Арабшоҳ чодирлар ва ўраб турган сарой (матодан ишланган тўсик)ни шундай таърифлайди: «Темур амр қилди, унинг суродиқаларини бу яшнаган жаҳон маркази қилиб қўйдиларки, гўё у ушбу айланаётган фалак доирасининг (марказий) нуқтаси бўлди. Бу қурилган чодирлар ва ўтовлар устидаги атрофи ўралиб ўрнатилган бир кўтарма эди. Унда катта дарвоза бўлиб, у орқали ичидаги мавжуд жой ва манзилларга кенг даҳлиз бўйлаб кириларди. Бу даргоҳнинг ичкарисига Темур учун бир қанча чодир, хайма ва ўтовлар тикдилар.

Шулар жумласидан бир чодир бор эдики, унинг юқорию қуйисига олтин билан зарҳал берилиб, ичию сирти нафис патлар билан безатилган эди. Чодирлардан яна бири батамом ҳарирдан тикилиб, турли-туман нақшлар, хилма-хил алвонли бўёқлар билан безалиб тўқилган, яна бошқа бирига бошидан охиригача йирик марваридлар қадалганки, уларнинг ҳар бир донасининг қийматини барча асрорлар билимдони (тангри)дан бошқа ҳеч ким билмайди, яна бир тилло бўлаклари устида турли-туман жавоҳирлар билан шундай безатилганки, у одамзод кўзини ўйнатиб, ақлини лол этарди.

Чодирлардан иборат бу шаҳарчанинг ички дизайни ҳам шоҳона ва санъаткорона тузилган эди. Чодирдан бирининг ички тузилишини Ибн Арабшоҳ яна шундай таърифлайди: «Баландлиги одам кўкрагига келадиган марварид дурлар билан безатилган тилла сандиқ. Бу сандикда қулоқли тилла пиёлалар мавжуд. Сандиқнинг бир кичик эшиги бўлиб, ичига қулоқли олтита пиёла қўйилган. Сандиқ тепасида олтита олтин кўза, олтита олтин пиёла, сандиқ ёнида баландлиги бир қарич келадиган олтин пиёла, унга икки қарич зумрад ўрнатилган. Хонтахта қаршисида эман дарахти шаклида одам оёғи йўғонлигида ясалган олтин дарахт, баландлиги одам бўйи, мевалари сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, фирузалар, ниҳоятда санъаткорона қўйилган...»

Темурийлар даври санъатининг ёрқин тимсоли бўлмиш ушбу чодир шаҳарда ҳатто кўчма масжид ҳам ўрнатилган. У икки қават бўлиб, гир айланаси ёғоч йўлаклар ва айвонлардан ибрат. Масжид бошдан оёқ тилла ва ложувард рангли нақшлар билан безатилган бўлиб, уни исталган пайтда йиғиш мумкин эди.

Ибн Арабшоҳнинг айтишича, бу афсонавий чодир шаҳарчада ҳунармандлар ўзларининг шоҳ асарларини намойиш қилганлар. «Бир қамиш тўқувчи ҳунарманд (қамишдан) мукаммал қуролярағли бир отлиқни ясаб чиқарди ва унинг суратини камолига етказиб, ҳатто тирноқларию киприкларини ҳам ясади. Унга (отлиққа) зарур бўлган қурол-яроғлардан ёй, қилич ва бошқа тааллуқли нарсаларнинг ҳаммасини дақиқ усулда камолига етказиб ясади. Ушбу анжомларнинг барчаси қамишдан эди».

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, Амир Темурнинг давлат бошқарувида бунёдкорлик муҳим йўналишлардан ҳисобланган. Оқсарой биноси пештоғига ёзилган «Қудратимизга шубҳанги бўлса, қурдирган иморатларимизга боқинг» деган хитобда ҳам мана шу ҳақиқат мужассамлашган.

Бу қурилишлар Амир Темурнинг тафаккури, кучи, илми, иродаси, ташкилотчилиги, қалбининг нозиклиги, этикаси, санъати ва энг асосийси, буюк ҳукмдор бўлгани, бу даврда мукаммал давлат бошқарув асослари қурилганидан далолат беради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқандни замин сайқалига айлантириш эзгу нияти истиқлол йилларида том маънода рўёбга чиқди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Самарқандда улуғ бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Обидалар манбалар асосида асл ҳолида тикланди, уларга уйғун замонавий иншоотлар барпо қилинди, улкан кўкаламзорлаштириш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Тарихий адолат тикланиб, Самарқанднинг 2750 йиллиги, Имом Бухорий, Мотуридий, Амир Темур, Мирзо Улуғбекнинг таваллуд тўйлари нишонланди. Шаҳар марказида Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Шу муносабат билан қадим шаҳар янада навқиронлашди, Самарқанд нафақат ўтмишида, балки ҳозир ҳам ер юзининг абадий сайқалидир.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари доктори.

ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ КУРАШИШ

ҳар биримизнинг вазифамиз

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели, айниқса, бугунги мураккаб вазиятда ўзини амалда тўлиқ оқлади.

Биринчи навбатда иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, сиёсатдан устунлигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сиёсат, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш каби тамойиллар, айниқса, дунёда авж олиб бораётган инқироз шароитида ўзининг долзарблиги, ҳаётийлигини яққол намоён этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва модернизациялаш, таркибий тузилишини диверсификациялаш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли, чуқур ўйланган сиёсат бизни инқироз ҳамда бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган мустаҳкам, ишончли воситадир.

Жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида, иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, мамлакат раҳбарияти томонидан ўз вақтида чора-тадбирлар белгиланди. 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилди. Ҳозирги кунда мазкур дастур ижросини қатъий назорат қилиш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилган. Айни пайтда мазкур ҳаракатлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда.

Йиғилишда ушбу масалалар ҳақида батафсил фикр алмашилди, депутатлар томонидан Президент китобида белгиланган устувор йўналишлар ва вазифалар тўғрисида тушунчалар берилди.

Учрашувда шунингдек, икки палатали парламент фаолияти юртимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлаётгани, бунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган қонунлар ижроси, жаҳон парламентаризми тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизга уйғунлаштириш масалалари, назорат-таҳлил ишлари, қўмиталар ва фракцияларнинг фаолияти юзасидан саволжавоблар бўлиб ўтди.

Учрашув иштирокчилари хусусан, ЎзХДП фракцияси фаолияти, партия электорати ва сайловчилар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда илгари сураётган таклиф ҳамда ташаббуслар, уларнинг натижалари тўғрисида ҳам тўлиқ маълумот олдилар.

Асли КАМОЛ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ САОДАТИ

Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун ҳар йили юртимизда улкан шодиёна сифатида нишонланмоқда. Соҳибқироннинг руҳи шу муборак кунларда юртимиз бўйлаб кезиб, ўз фарзандларига, сизу бизга, келажак авлодларга ҳануз васият қилаётгандек: «Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, сифатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир».

Биз — Соҳибқирон ворислари унинг васиятларига содиқ қолдик. Бироқ, бунга эришиш осон кечмади. Бу ҳақиқатнинг қарор топиши учун 600 йил керак бўлди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов топиб айтганидек, «Темурдек зотнинг обрў-эътиборини қайтадан ўрнига қўя билиш учун Темурдек шижоатли одам керак эди».

Бир куни 80 ёшдан ошиб қолган мўйсафид отам (илоҳим, руҳлари шод бўлсин) 1994 йилнинг баҳорида узоқ қишлоқдан Тошкентга набираларини кўргани келиб, мендан Амир Темур ҳайкалига олиб боришни сўради. Отам тетик бир кайфиятда Соҳибқирон ҳайкали пойига тез чўкиб, унинг руҳига Қуръони Карим сураларидан узоқ тиловат қилди. Сўнгра менга юзланиб деди: «Ўғлим, шукроналар бўлсинки, яратган Эгам халқимизга икки буюк раҳнамони инъом этди. Юртбошимизнинг буюклиги шундаки, у ўзидан аввал ўтган улуғларга қилинган ҳақсизликка қарши мардона курашди ва тарих олдидаги адолатни қайта тиклади».

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимизнинг бевосита ташаббуси, матонати, беқиёс шижоати туфайли Амир Темур сиймоси қайта тикланди, Тошкент, Самарқанд ва Соҳибқирон туғилган юрт — Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизнинг ҳайкаллари қад ростлади, Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди, Амир Темур ордени таъсис этилди, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташкил этилди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Тошкент ва Парижда халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Амир Темур замонида ва кейинчалик темурийлар даврида бунёд этилган тарихий обидалар қайтадан таъмирланди. Улуғ бобомиз шахси, унинг бой ибратомуз мероси мактабларда, коллеж ва лицейларда, олий ўқув юртларида ўқитила бошланди, у ҳақда кинофильмлар яратилди, китоблар нашр этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Соҳибқирон Амир Темур сиймоси, у қолдирган бой маънавий мерос миллатимиз тимсолига, халқимизнинг қалб мулкига айланмоқда. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, «Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш, демакдир».

Исматулла МАМАНОВ,
ҳуқуқшунос.

САПАР ОРОЗБАКОВ:

«КРЕМЛНИНГ ВАЪДАЛАРИГА ТАНҚИДИЙ ЁНДАШИНГ»

Қирғизистонда чоп этиладиган «Общественный рейтинг» газетаси саҳифасида Бишкек иқтисодий таҳлил маркази директори Сапар Орозбаковнинг Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига бағишланган «Кремлнинг ваъдаларига танқидий ёндашинг» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Унда муаллиф қуйидаги фикрларни билдиради:

— Англашимча, Россия томонидан Қирғизистон учун 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда маблағ ажратилиши «Манас» авиабазасидан аксилтеррор кучларини олиб чиқиб кетиш масаласи каби сиёсий ўйинлар сирасидандир. Гап шундаки, Москва молиявий кўмагининг асосий қисмини сарфлаш режалаштирилаётган «Қамбарота-1» гидроэлектростанцияси қурилиши аслида тижорий мақсаддаги лойиҳа эмасдир. Зеро, ушбу ГЭС ишлаб чиқарадиган электр қувватининг таннархи даромад келтирарли даражада деб бўлмайди. Демакки, Россия бу иншоот қурилишида соф сиёсий мақсадларни кўзлаб иштирок этмоқда. Қирғизистон ҳудудидаги сув захираларига йўл топиш орқали Москва Ўзбекистон ва Қозоғистонни итоаткорликда сақлаб туриш имкониятига эга бўлади.

Шу ўринда, Россиянинг «Қамбарота-1» лойиҳасини ҳеч бир муаммосиз молиялаштира олишига қатъий шубҳа билан қарамоқдаман. Бинобарин, империяпарастлик кайфиятига қарамай мазкур мамлакатнинг иқтисодий ривожи даражаси асло бизга тасвирлангани каби юксак эмас. Фикримча, Москва ҳануз яқин ўтмишда кечган нефтнинг юқори нархи билан боғлиқ хаёллар оғушидан халос бўлмаган қўринади. Дарҳақиқат, бу жаҳон иқтисодий тараққиётида Россия учун ўзига хос ва қулай бир давр бўлди. Бироқ, бундай имконият энди қайтиб такрорланмайди чоғи. Дунё молиявий инқирози якунланган тақдирда ҳам Россия нефть қиймати юқори бўлган вақтлардаги каби ортиқча сармоявий маблағга эга бўлмайди. Шу муносабат билан мен Кремлнинг аксарият баёнотларига танқидий ёндашмоқлик ва россиялик сиёсатчилар билдирган фикрларни соф маъно ўрнида қабул қилмасликни маслаҳат беришни лозим топдим.

Қамбарота ГЭСлари барпо этилган тақдирда ҳам улардан Қирғизистон учун сезиларли наф бўлмайди. Лойиҳанинг биргина фойдали жиҳати, қурилиш жараёнида 3-5 минг, иншоот ишга туширилгач 500 киши иш ўрнига эга бўлишади холос. Даромад эса, юқорида таъкидлаганимдек, асло бўлмайди. Биз собиқ ҳукуматимизни «Камеко» корпорацияси билан Қумтор олтин кони масаласида манфаатсиз битим тузгани учун койиб келмоқдамиз. Ваҳоланки, гидроэлектроиншоотларни қуриш борасидаги ҳозирги келишув биз учун унданда самарасиз. Бунда, Қирғизистон ўз табиий захираларини тақдим этади. Россия-чи? Ҳеч нарса. Ушбу мамлакат ажратадиган пуллар, беғараз ёрдам эмас, балки кредитдир ва боз устига унинг устама фоизи ҳам анча юқори.

Ҳукумат Россия 4,5% ставкали кредит ажратаяпти деган сўзлар билан бизни алдаб келаётир. Бироқ, аслида битимда «LIBOR + 3%» деб кўрсатилган. Айни пайтда LIBOR 4,5 фоизлик устамани англатади. Лекин бундай шароит молиявий инқироз боис дунёнинг етакчи давлатлари кредит ставкаларини кескин даражада пасайтириб юборгандагина кузатилади. Турғун ҳолатларда эса LIBOR кўрсаткичлари салкам 4-5% ташкил этади. Демак, Россия бизга 7-8 фоиз устамалик кредитларни бераётган экан.

Бишкек ш.
«Общественный рейтинг» газетасининг
2009 йил 2 апрелдаги
12 (428) - сонидан

✓ Табиий офат

ЗИЛЗИЛА

6 апрель куни кечаси Италиянинг марказий ҳудудларидан бўлмиш Абруццо вилоятида юз берган Рихтер шкаласи бўйича 6,3 магнитудага тенг ер силкиниши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан азият чекаётган халқаро жамоатчиликни яна ларзага солди. Айниқса, вилоятнинг маъмурий маркази Л`Акуила шаҳри катта талафот кўрди. Негаки, зилзила эпицентри айнан шу шаҳар яқинида эди.

Қутқарувчилар ҳалок бўлган 179 нафар кишини бузилган иморатлар остидан чиқариб олдилар. Шундан 139 нафарининг шахси аниқланди. Юзга яқин киши эса тирик ҳолда қутқариб қолинди. Яна 34 кишининг жасади топилгани йўқ.

Ушбу табиий офат натижасида 1,5 мингдан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олди. 100 мингга яқин одам эса бошпанасиз қолди.

30 километр радиусда энг кучли вайроналар юзага келди. Жумладан, 2 та катта қишлоқ — Вилла Сант-Анжело ва Борго ди Кастельнуово манзиллари бутунлай вайронага айланди. Буларнинг бари 30 сония давом этган зилзиланинг оқибатидир.

Ҳозир Л`Акуилада бошпанасиз қолган одамлар учун чодирлар тикланмоқда. Уларда 20 мингга яқин киши ёғин-сочинли кунларда вақтинча яшаб туради.

Қўшни шаҳарлар аҳолиси ушбу оғир кунда бошпанасизларга ўз уйларидан жой бермоқда, донорлик қони топширувчилар ҳам кўпайиб бормоқда, хайрия учун алоҳида ҳисоб очилди.

Зилзила оқибатларини бартараф этиш учун Италия бош вазири Сильвио Берлускони 30 миллион евро миқдорида маблағ ажратилиши ҳақида маълум қилди. Шунингдек, Европа Иттифоқидан ҳам молиявий кўмак сўради. Бундай пайтда жаҳон жамоатчилиги ҳам қўл қовуштириб қараб турмайди.

Шу ўринда кишини ўйлантирадиган бир ҳолатни айтиб ўтмасак бўлмайди. Интернет манбаларида қайд этилишича, бир ой олдин италиялик сейсмолог Жоакино Жулиани Абруццо ҳудудида кучли ерости силкиниши юз бериши мумкинлиги ҳақида баёнот берганди. У сейсмик ҳудудларда табиий пайдо бўлувчи камёб радиоактив газ — радон концентрациясини аниқлаб, шундай хулосага келган. Олим тадқиқот хулосаларини ўзининг интернет-сайтида эълон қилди. Бир неча кундан кейин эса радиокарнай ўрнатилган автобусда Л`Акуила шаҳри аҳолиси ушбу хавф ҳақида огоҳлантирилган ва хавфсиз манзилга кўчишга ундалган.

Аммо шаҳар мэри олимнинг чақириқларидан хулоса чиқариш ўрнига, у аҳоли ўртасида ваҳима уйғотмоқда, деб полицияга мурожаат этади. Олим қўлга олиниб, маълум вақтдан сўнг қўйиб юборилади. Аммо ундан интернет-сайтдан зилзила юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги хабарни олиб ташлаш талаб қилинади.

Энг қизиғи, Италия геофизика ва зилзилашуносликмиллий институти раҳбари Энцо Боши журналистларнинг «Жулиани башоратларига ишонса бўладими?» қабилидаги саволига «Шу нарса аниқки, зилзила қачон бошланишини ҳеч ким олдиндан аниқ айтиб беролмайди. Уни башорат қилиш мумкин эмас» деб жавоб берган эди.

Хўш, аслида ҳам шундайми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Фани Мавлонов номидаги Сейсмология институти директори Қаҳҳорбой Абдуллабековнинг айтишича, бугунги кун илм-фани, XXI аср технологияси зилзила даракчиларини аввалдан қайд этиб, бўлажак хавф ҳақида маълумот бера олади. Манбаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон олимлари томонидан ўндан ортиқ зилзила аввалдан аниқланган. Масалан, 1976 йил 17 майдаги Газлининг иккинчи зилзиласи тўғрисида олдиндан огоҳлантирилган. Биринчи зилзила 8 апрелда бўлган. Лекин сейсмологлар бу ҳақда аввалдан маълумотга эга эмасдилар, чунки у ерда сейсмик кузатув ишлари йўлга қўйилмаганди. Ўша кунги ерости силкинишидан сўнг дарҳол экспедиция ташкил этилган ва кузатув ишлари бошланган. Натижада яна зилзила бўлиши олдиндан аниқланган. 1978 йили Андижондан 120 километр жанубдаги Олой зилзиласи (6,8 магнитудага тенг) бир ҳафта олдин аниқланган. Яъни ушанда зилзиланинг аниқ даракчилари — ерости суви таркиби, сатҳи, электр магнит майдони, ернинг деформациялашуви сингари 7-8 тур кўрсаткичлар ўзгарганлиги бир ҳафта авваланоқ намоён бўлганди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: зилзила юз бериши мумкинлигини олдиндан аниқлаш имкони бор экан, у ҳолда одамзот нега ҳануз ғафлатда қолмоқда?

Институт директорининг гапларига қараганда, бугунги кунда ерости силкинишини олдиндан айтиб бериш мумкин, қачонки, ҳар бир сейсмик ҳудудда кузатув ишларига жиддий ёндашилса, энг замонавий асбоб-ускуналар етарли, мутахассис-кадрлар етук ва жой-жойида бўлса.

Л`Акуилада ҳам сейсмолог Жулианининг огоҳлантиришларига шаҳар маъмурияти жиддий эътибор берганида йўқотишлар бунчалик қайғули бўлмасмиди?..

Алимқул СУЛТОНОВ,
шарҳловчи

КЕЙИНГИ 5 ЙИЛДА ЮЗ БЕРГАН ЭНГ ВАЙРОНКОР ЗИЛЗИЛАЛАР

2008 ЙИЛ 29 ОКТЯБРЬ.
Покистоннинг Белужистон музофотида юз берган 6,4 балли ерости силкиниши натижасида 300 киши қурбон бўлди.

2008 ЙИЛ 12 МАЙ.
Хитойнинг Сичуань музофотидаги табиий офат (7,8 балл) 87 минг кишининг умрига зомин бўлди, 370 минг киши турли даражада тан жароҳати олди.

2007 ЙИЛ 15 АВГУСТ.
Эпицентри денгиз тубида бўлган 7,9 балли ерости силкиниши натижасида 145 километр узоқликдаги Перу пойтахти Лимада 519 киши ҳаётдан кўз юмди.

2006 ЙИЛ 17 ИЮЛЬ.
Эпицентри денгизда бўлган 7,7 балли зилзила оқибатида юзага келган цунами Ява оролидаги 650 кишининг ёстиғини қуритди.

2006 ЙИЛ 27 МАЙ.
Индонезиянинг Ява оролида 5700 киши ҳаёт билан видолашди. Ўшанда 6,2 магнитудага тенг зилзила бўлган эди.

2006 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ.
Эрон ғарбида 6 магнитудалик ерости силкиниши 70 кишининг умрига зомин бўлди, 1200 киши тан жароҳати олди.

2005 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬ.
Покистон шимолида ва Кашмирда 7,6 балли зилзила қайд этилди. 73 минг киши ҳаётдан кўз юмди, миллион киши бошпанасиз қолди.

2005 ЙИЛ 28 МАРТ.
Индонезиянинг Ниас оролидаги табиий офат 1300 кишининг умрига зомин бўлди.

2005 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ.
Эроннинг Кармон музофотидаги офат (6,4 балл) юзлаб одамларнинг ўлимига сабабчи бўлди.

2004 ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ.
Марокаш шаҳри аҳолисининг 500 нафари зилзиладан нобуд бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий манбаларда қайд этилишича, сайёрамизда йилига Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7 га тенг бўлган ер қимирлаши ўртача 20 марта, 6 баллиги 100 марта, 5 лиги 3 минг мартагача содир бўлади. Магнитудаси 3 га тенг силкинишлар 100 мингдан ортиб кетади, 1 ва 2 ликлари эса кунига 8 минг марталаб юз беради.

Инсониятнинг бахти шундаки, ерости силкинишларининг деярли 90 фоизи денгиз ва уммон тубларида содир бўлади.

✓ ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

МАҲАЛЛАЛАРГА ТАБИИЙ ГАЗ КЕЛТИРИЛДИ

Вобкент туманидаги Пирмаст қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 17 та катта-кичик қишлоқ бор. Уларга ўтган асрнинг етмишинчи йилларида табиий газ олиб келинган эди. Йиллар ўтиб, ер ости қувурларининг фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолгани боис, газ таъминотида муаммолар пайдо бўлди. Бозоржойи, Анжирбоғ, Кўлиодина маҳалларида янги турар жойлар барпо этилди. Кўшимча объектлар кўпайди.

— Уч йилдан буён газ масаласида қийналиб келаётгандик, — дейди Бозоржойи маҳалласи фаоли Холмурод Ҳакимов. — Охири туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдик. Кенгаш раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Толиб Авезов саъй-ҳаракати билан масала ижобий ҳал этилди.

Халқимизда бирлашган ўзар, деган нақл бор. Тегишли ташкилотлар ёрдами, фермер хўжаликлари ҳомийлигида туман марказидан 2,3 километр юқори босимли янги газ қувурлари бир ярим ой ичида тортиб келинди.

— Барча лойиҳа, монтаж ишлари ходимларимиз томонидан бажарилди, — дейди «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонаси Вобкент филиали бош муҳандиси Абдурауф Камолов. — Бунда бизга Улуғбек Авезов, Усмон Боқиев сингари фермерлар, Неъмат Давлатов, Ўткир Амонов, Убайдулла Ҳотамов каби партия фаоллари, маҳалла оқсоқоллари катта ёрдам берди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туманда бундай савобли ишлар кўлами кун сайин ортиб бормоқда. Олис қишлоқларни газлаштириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган тадбирларда партиядошларимиз фаол иштирок этаяпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР, АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

«Бухоро-Регистон» ихтисослаштирилган аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги Бухоро шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида 2009 йил 12 май соат 16.00да ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф қилади.

Савдоларга: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси ёқасидаги якка тартибда уй-жой ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун мўлжалланган 406,0 м²дан иборат ер майдони, бошланғич баҳоси — 4 058 457 сўм 20 тийин.

Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси ёқасидаги якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун мўлжалланган 429,0 м²дан иборат ер майдони, *бошланғич баҳоси — 4 288 369 сўм 80 тийин.*

Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси ёқасидаги якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун мўлжалланган, 455,0 м²дан ер майдони, *бошланғич баҳоси — 4 548 271 сўм.*

Бухоро шаҳар, Сувчилар турар-жой мавзесидаги якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун мўлжалланган, ҳар бири 480,0 м² дан иборат 4 та ер майдони, *бошланғич баҳоси — 4 798 176 сўм.*

Бухоро шаҳар, Б.Нақшбанд кўчаси ёқасидаги поликлиника қурилиши учун мўлжалланган 324,0 м² дан иборат ер майдони, *бошланғич баҳоси — 12 954 816 сўм.*

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда аукцион ташкилотчиси ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари лозим: ҳ/р: 20208000304349413001, АТИБ Ипотека банки «Сардор» филиали, Бухоро ш, МФО: 00119, СТИР: 205201183, аризалар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб қабул қилиниб, аукцион савдосига 3 кун муддат қолганда (2009 йил 8 май соат 16.00) тўхтатилади.

Ғолиблар билан олди-сотди шартномаларини тузиш муддати 20 кун, сотилмаган мулклар 2009 йил 26 май, 9 ва 23 июнь кунлари такрорий савдоларга қўйилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: *Бухоро шаҳар, И.Мўминов кўчаси, 2-уй, 1-қават, 11-хона (Бухоро шаҳар ҳокимлиги биноси) Телефон/факс: 8-365-223-25-67, 223-72-88, веб.сайт: www.molotok.uz.*

❖ Банк ва мижоз

САРМОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Ўзмиллийбанк»нинг Бухоро бўлими жамоаси вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшмоқда

Барчамизга маълумки, аҳолининг муайян қисми яқин-яқингача пластик карточкалар орқали нақд пулсиз чакана ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимига кенг миқёсда ўтиш ғоясига иштиёқсизлик билан қараётган эди. Ҳозир эса йирик супермаркетлар ва савдо дўконларида пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш ривожланиб кетди. Эндиликда савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари, уяли алоқа учун тўловларни қабул қилиш пунктлари, дорихона-ю автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ҳам тўловларнинг бундай қулай усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Миллий банк Бухоро бўлими ва унинг филиаллари томонидан банкдан ташқари пул айланиши ҳажмини камайтириш борасида қатор ишлар қилинди. Жорий йил 1 январи ҳолатида фуқароларга эмиссия қилинган сўмдаги пластик карточкалар 60649 тани ташкил этди. Сўм ва VISA пластик карточкаларини тўловга қабул қилувчи 171 та терминал савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарига шартнома асосида ўрнатилган. Умуман банк бўлими ва унга тегишли муассасаларда 182 та терминал ишлаб турибди.

Савдо-хизмат кўрсатиш корхоналарида ўрнатилган терминалларда пластик карточкалар ёрдамида амалга оширилган накд пулсиз айланма ҳажми 3,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 3,1 бараварга ўсди.

Ходимларнинг иш ҳақини пластик карточкасига кўчириш борасида вилоятдаги 178 та корхона билан «Иш ҳақи лойиҳаси» шартномалари тузилди.

Хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишда қулайликлар яратиш учун Бухоро шаҳрининг меъморий ёдгорликлар жойлашган қисмида VISA картасини тўловга қабул қилувчи терминаллар ўрнатилди. Меҳмонхона ва савдо дўконларида ҳам бундай терминаллар мавжуд.

Миллий банк Бухоро вилоят бўлими пластик карточкалар даражасини жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш мақсадида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, карточка эгаларига тақдим этилаётган хизматлар сифатини янада яхшилашга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли учун чакана хизматлар кўрсатиш кенгайиб бормоқда. Ўтган йили вилоят аҳолисига миллий валютада йигирмата ва хорижий валютада 13 та депозит тури таклиф қилинди. Уларнинг сақлаш муддатлари турлича, фоиз ставкалари йилига 16 фоиздан 18 фоизгача бўлиб, 2-6 фоизгача бонус ҳам мавжуд.

Аҳоли омонатларининг қолдиғи 2009 йил 1 январь ҳолатига сўмдаги эквивалентда 6 млрд. 876 млн. сўм миқдорида бўлиб, шунинг 3 млрд. 925,6 млн. сўмини миллий валютадаги, 2 млн. 118 минг АҚШ долларини чет эл валютасидаги маблағлар ташкил этади. Солиштириб кўриладиган бўлса бу ўтган йилнинг бошига нисбатан сўмдаги эквивалентда 801 млн. сўмга кўпдир. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш учун ресурс базасини кенгайтиришга, пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартиришга ёрдам бермоқда. Ўтган йили «Вестерн Юнион», «Азия Экспресс», «Контакт», «Мигом», «Лидер» тизими бўйича тезкор пул ўтказмалари бўйича амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажми 21,2 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Кўрсатилаётган хизмат тури йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунончи, банк мижозлари бўлмиш жисмоний шахсларга янги хизмат тури — коммунал хизматлар ҳақини ва бошқа тўловларни ихтисослаштирилган кассалар тармоғи орқали қабул қилиш йўлга қўйилди. 2008 йилда коммунал ва бошқа хизматлар учун 3 млрд. 251,9 млн. сўм қабул қилинди, бу 2007 йилдагидан 900,7 млн. сўмга кўпдир.

Умуман олганда Миллий банкнинг Бухоро вилоят бўлими ходимлари янги-янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида катта тажриба тўплашган. Бўлим ўз фаолияти мобайнида бир қатор корпоратив мижозларга, «Когон-ёғ» ОАЖ, «Мерганнилонмоқда.

Банк бўлими йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Натижада вилоятда қатор янги қўшма корхоналар ишга туширилди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва сони ошди. Вилоятнинг экспорт салоҳияти кўтарилди. Бунга талайгина мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон — Белоруссия «Пешкутекс» қўшма корхонаси Осиё Тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан олган 2 миллион 998,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига Швейцариянинг «Rieter» фирмасидан пахта толасини қайта ишлаб йилига 2577 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик линия олиб келиб ўрнатди.

Қўшма корхонанинг ўз ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида Швейцариянинг «Rieter» компаниясидан ип-калава йигирувчи ускуна ҳамда Белоруссиянинг «Оршанский» комбинатидан жами 36 минг АҚШ долларилик ускуна харид қилинди. Бу эса жаҳон стандартларига мос келадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий этиш, экспорт салоҳиятини ошириш имконини берди. Шунингдек, бу ерда 100 та янги ишчи ўрни очилганлиги ҳам қувонарлидир.

Банк бўлимининг яна бир мижози **«Бухоро Ковров Сервис» масъулияти чекланган жамияти** олган кредитлари ва у устама фоизларини ўз вақтида қайтариб келаётир. Ўтган йили жамият раҳбарияти хорижий фирмалардан махсус техника воситалари, экскаватор ва бульдозерлар олиб келиш учун каттагина маблағ сўраб банкка мурожаат қилганди. Корхонага Хитой тараққиёт банкининг кредит линияси ҳисобидан бир миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

Банк бўлими жамоаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам бундай эзгу ишларни давом эттирмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Маънавият

Кечагидек эсимда, йигирма йил илгари Марғилоннинг қоқ марказида ҳафтасига икки кун ишлайдиган буюм бозори бўларди. Уни халқ «чайқов бозори» деб ҳам атарди. Пайшанба ва якшанба кунлари бозор олдидаги кўчадан ўтишнинг ўзи амримаҳол эди. Чунки водийликлардан ташқари Конибодомдан Ўш-Жалолободгача ҳамма бу бозорга ёпирилиб келарди. Сабаби, бу ердан харидор истаган буюмини топарди. Ҳатто китоб растасигача бўлган.

КИТОБ — ТАФАККУР ҚАНОТИ!

Бу баландпарвоз гап эмас, ҳаётий ҳақиқат, дейди фарғоналик зиё тарқатувчилар

Хўш, бозордаги нарса дўконда йўқмиди, дерсиз. Ҳақли савол. Ҳа, дўконда ноёб нарса турмасди. Дўконларнинг барчаси давлатга тегишли бўлиб, унда нархлар қатъий белгиланганди. Шунинг учун бозорчилар гоҳ ёйиб, гоҳ қўлтиққа қисиб одамлар «ҳожатини» чиқарарди. Хусусий дўкон деган гапни ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди.

Замонамизга шукроналар бўлсин, бугун ҳамма дўконлар хусусий. Ҳатто китоб дўконлари ҳам хусусийлашиб кетди. Дўкон бинолари энг замонавий лойиҳалар асосида реконструкция қилинган. Буларни кўриб қувонасан, қойил қоласан киши, лекин...

— Айрим китоб дўконлари хусусийлашиб кетгач, маълум вақтдан сўнг йўналишини ўзгартирди, — дейди шоир Мўминжон Ҳошимов. — Масалан, Марғилонда ўндан зиёд китоб дўкони бўларди. Кейин деярли ҳаммаси йўқ бўлиб кетди.

Ҳа, шаҳарнинг ҳозирги Мустақиллик кўчасида китоб дўкони бўларди. Каттаданкичик дўкондор Абдулҳамид акани яхши билар, уни нафақат иш жойида, балки тўйдами, дам олиш куни сайрдами, қаерда учратишса «Абдулҳамид ака қандай янги китоблар келди?» деб сўрарди. Чунки Абдулҳамид ака ким дўконга кирса, унинг ёши, қизиқишига қараб китоб тавсия қилар, бунда у ўзи шу китобни факкур қаноти, деган ибора баландпарвоз гап эмас, ҳаётий ҳақиқат.

Хўш, шундай экан, биздаги китобхонлик қай даражада? Ўзимиз фарзандларимизга ибрат кўрсатиб янги китоблар сари интилаяпмизми? Ёки уларга китоб совға қиляпмизми?

— Яқинда бир дўстим билан Тошкентга бордик, — дейди маҳалладошим Рўзмат ака. — Қайтишимизда, энди Навоий кўчасидаги китоб растасига борайлик, десам аввал бу ёққа юр деб Чорсу бозорига бошлади. Дўконмадўкон юриб набираларга совға деб кийим-кечак, турфа хил ширинликлар сотиб ўқиб чиққани яққол сезилиб турарди, жуда зиёли ва меҳрибон инсон эди. Ҳатто шу атрофдаги маҳалла ҳақида сўз кетадиган бўлса, «Абдулҳамид аканинг китоб дўконидан кейинги кўчами?» дейиладиган даражага етганди. Китоб дўкони ҳам, унинг дўкондори ҳам одамлар қалбидан чуқур жой олганди. Кейинчалик у хусусийлаштирилди, яъни бошқа бировга сотиб юборилди. Ҳозир унинг ўрнида ялтироқ матолар сотилади... Очиғи бундай ҳол фақат Марғилонда десак хато бўлар. Фарғона вилоятининг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам китоб дўконлари камайиб кетганди.

— Бола тарбиясида ҳеч бир восита китобнинг ўрнини тўлдира олмайди, — дейди салкам ярим асрлик мураббийлик тажрибасига эга Зубайдахон Аҳмедова. — Китоб мустақил фикрлашга ўргатади, у ёки бу воқеликка ўқувчида шахсий муносабат шаклланишига кўмаклашади, дунёқарашни бойитади. Китоб — таълим, тарбия, маданиятнинг ҳаётий манбаи. Ҳеч ким мени кутубхонага, китобхонлар конференциясига таклиф этишганини эслолмайман.

Ўтган йили ўша суҳбатдан кейин Охунжон ака билан китоб дўконларидан бирига киргандик. Аввало шуни айтиш керакки, бу ерда китоб дўкони жойлашганини дарҳол англай олмадик. Ташқарида китоб дўконига чорловчи реклама йўқ. Дўкондаги китоб жавонлари эски, айрим жойлари синиқ. Сотувчи харидор камлигидан мудрайди. Пештахтага қўйилган китобларнинг аксарияти эса вилоят нашриётида чоп этилган маҳаллий муаллифларнинг асарлари.

Бу каби манзаралар узоқ давом этиши мумкин эмасди, албатта. Республика Маънавият тарғибот маркази ажойиб ташаббус билан чиқди. Пойтахтимиздаги «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида китоб дўконлари, китоб савдо марказлари очишга киришилди. Ўтган йилнинг ўзида вилоятда 60 дан ортиқ китоб савдо марказлари ташкил этилган бўлса, унинг 31 таси «Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компаниясига тегишлидир. Жумладан, Қува, Олтиариқ, Данғара, Учқўприк, Бағдод, Ёзёвон ва бошқа туманларда, Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида аҳоли энг гавжум бўладиган жойларда китоб савдо марказлари, янги китоб дўконлари очилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли шундай 31 та китоб савдо маркази ва дўконларга умумий қиймати 150 миллион сўмлик китоблар олиб келиниб, йил давомида уларнинг 70 миллион сўмлиги сотилди. Хуллас, ўтган йили вилоятда фаолият кўрсатган китоб савдо марказлари томонидан сотилган китобларнинг умумий қиймати 260 миллион сўмдан зиёд маблағни ташкил этган.

Шу йилнинг январь-февраль ойларида вилоятда яна 4 та — Фарғона, Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Фарғона туманларида китоб савдо марказлари фаолият кўрсата бошлади. Фарғона давлат университети китоб савдо маркази алоҳида мақомга эга бўлиб, энди вилоятдаги бошқа китоб дўконлари масъуллари Тошкентга қатнамай, шу ерда марказлашган ҳолда келтирилган китоблар билан таъминлаб турилади. Дастлабки кундаёқ 15 миллион сўмлик ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий йўналишлардаги китоблар, адабий-бадиий адабиётлар ҳамда ўқув-услубий дарсликлар келтирилди. Китоб савдо марказларида сотилаётган китоблар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, китобхонлар томонидан Президент Ислом Каримов асарлари, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Ўлмас Умарбеков, Йўлдош Сулаймон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тоҳир Малик, Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо каби замондошларимиз асарлари ҳамда уларнинг ҳаёт йўлларига, ижодий изланишларига бағишланган адабий-бадиий адабиётлар, болалар учун жаҳон ва ўзбек халқ эртаклари, турли йўналишлардаги ўқув дарсликлари, энциклопедияларга талаб юқори.

Эндиликда таниқли шоир-ёзувчилар, олим-профессорлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар, янги чоп этилган китоблар тақдимотлари ташкил этиш одат тусига кириб бормоқда. Китоб тарғиботининг яна бир, айтиш керакки, самарали усули жорий қилинмоқда. Маълумки, ҳозир мавжуд китоб дўконлари асосан шаҳар, туман марказларида жойлашган. Хўш, уларни ичкарироқ, айтайлик қишлоқларга, маҳаллаларгача етиб бориши учун нима қилиш керак? Фарғона вилояти ҳокимлигининг қарори билан «Матбуот тарқатиш маскани» ташкил этиляпти. Илгари «Фарғона почтаси» ва «Матбуот тарқатувчи» идораларига тегишли газета-журнал сотиш киоскалари тадбиркорларга ижарага берилиб, уларни қишлоқ аҳолиси гавжум яшайдиган жойлар, маҳалла гузарларига кўчирилмоқда. Энди бу киоскалар вақтли матбуот нашрлари билан бирга китоб савдоси билан ҳам шуғулланади. Ҳозиргача вилоятда 128 та ана шундай киоска қишлоқ жойларда фаолият юрита бошлади. Ҳокимлик қарорига кўра, шу йилнинг охиригача яна 100 та кичик дўкон очилади.

— Пойтахтда ва бошқа вилоятларда яшаб ижод қилаётган эл севган ёзувчи-шоир, олиму мутахассислар қишлоқларимизга, маҳаллаларимизга ҳам ташриф буюриб, халқ билан тез-тез учрашиб турадиган бўлсалар китобга қизиқиш, китобхонлик нуфузи яна бир поғонага кўтарилган бўларди, — дейди Охунжон ака.

Фарғона вилоятида китоб савдосининг янгича тизими шаклланаяпти. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз ва бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишимиз керак. Чунки китоб тарғиботи халқимиз маънавиятини юксалтирувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Фарғона тумани Чимён ҚФЙдаги китоб савдо дўкони

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda

Спорт

ТЕРМИЗ ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИНИ ЧОРЛАЙДИ

Шу йилнинг 10-12 апрель кунлари Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтади.

Турнирга Халқаро Олимпия қўмитаси аъзоси Ирина Шевинска, Африка Миллий Олимпия қўмиталари Ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо каби фахрий меҳмонлар ҳам ташриф буюришади.

Ўзбекистон кураш миллий федерацияси матбуот марказининг хабар беришича, тўққизинчи маротаба ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан келган кураш усталари ғолиблик учун гиламга чиқадилар. Олти (60, 66, 73, 81, 90 кг. ва мутлақ) вазн тоифасида ўтиши кутилаётган беллашувларда Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Олим Равшанов, Шерали Жўраев сингари машҳур полвонлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Республика маънавият ва маърифат кенгаши миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази «Bunyodkor G`oya Plyus» унитар корхонаси раҳбари Ғуломхон Нарзуллаевга волидаи муҳтарамаси **МУШАРРАФХОН АЯнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН, АНГЛИЯ, УРУГВАЙ, ГАНА

Шу йилнинг 24 сентябрь — 16 октябрь кунлари Мисрда ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Куни кеча Мисрнинг Луксор шаҳрида мазкур жаҳон чемпионати финал босқичига қуръа ташланди. Унга кўра, дунёнинг йигирма тўртта энг кучли терма жамоаси олти гуруҳга бўлиниб беллашадиган бўлди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақанинг «Д» гуруҳида баҳс юритади. Ушбу гуруҳда ҳамюртларимиз кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Англия, Уругвай ҳамда Гана футболчилари билан ўзаро куч синашади. Учрашувлар Исмоилия шаҳрида ташкил этилади.

Жаҳон чемпионатининг бошқа гуруҳлари қуйидагича:

«А»: Миср, Тринидад ва Тобаго, Парагвай, Италия.
«В»: Нигерия, Венесуэла, Испания, Таити.
«С»: АҚШ, Германия, Камерун, Жанубий Корея.
«Е»: Бразилия, Коста-Рика, Чехия, Австралия.
«F»: Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Африка, Гондурас, Венгрия.

«ПАХТАКОР» — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги тур ўйинлари ўтказилди. Мусобақанинг «А» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси сафарда «Саба Баттери» (Эрон) футболчилари меҳмони бўлди.

Дастлабки икки турдан сўнг, ўз гуруҳида 4 очко билан пешқадам бўлиб турган пахтакорчилар бу гал ҳам мухлисларини хурсанд қилди. Ака-ука Зайниддин ва Фарҳод Тожиевларнинг бир-биридан чиройли икки голи «Пахтакор» жамоасининг муҳим ғалабасини таъминлади — 0:2. Мазкур учрашувдан сўнг, пахтакорчилар пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) футболчилари «Ал-Аҳли» (Бирлашган Араб Амирликлари) жамоасини 2:1 ҳисобида енгди.

ОФК кубогининг «А» гуруҳи баҳсларида иштирок этаётган «Нефтчи» футболчилари эса Фарғонада Баҳрайннинг «Бусайтин» жамоасига қарши тўп сурди. Учрашувнинг 87-дақиқасида ўз дарвозасидан тўп олиб чиққан фарғоналиклар ўйиннинг охирги сонияларида Алишер Холиқов киритган гол эвазига мағлубиятдан қутулиб қолишди — 1:1.

Мазкур гуруҳнинг иккинчи баҳсида «Ал-Аҳад» (Ливан) — «Ал-Тилол» (Яман) жамоалари ўзаро рўбарў келди — 3:0.

Кеча Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ ўйинлари давом эттирилди. Мусобақанинг «Д» гуруҳида қатнашаётган «Бунёдкор» (Тошкент) жамоаси ўз майдонида Эроннинг «Сепахон» футболчилари билан ўзаро куч синашди. Муросасиз кечган ушбу ўйинда кутилмаган натижа — 2:2 ҳисобидаги дуранг қайд этилди. Тўпларни вакилларимиздан Шавкат Саломов ва Бахтиёр Ашурматовлар киритдилар.

«Бунёдкор» футболчиларидан кейинги турларда ғалаба кутиб қоламиз.

Эркин ХОЛБОБО

Огоҳ бўлайлик

КЕЧИККАН ПУШАЙМОНЛИК

Солай Матўрозов бола-чақаси тарбияси билан машғул бўлиб, элнинг тўй-маъракаларида давра тўрида ўтирадиган ёшда. Лекин шайтон йўлдан урдими, ўзига, ёшига номуносиб йўл танлади.

2007 йил ўзи яшаётган Гурлан тумани «Эшимжирон» қишлоғи «Мойли» маҳалласидан бир гуруҳ йигитлар, таниш-билишларини олиб қўшни давлатга кетди. Уларни ит топмас бир маконда ғишт заводи хўжайинларига топширди. Солайбойнинг иштаҳаси янада очилди. Қарасаки, ишга қўл урмай, яъни, бировларни алдаб хорижга ишга олиб бориш, иш берувчи билан улар ўртасида воситачилик қилиб ҳам мўмайгина пул топиш мумкин экан.

2008 йилнинг қиш ойларида Солай яна одам тўплашга киришди. Бу гал унинг «ҳар ойда беш юз минг сўм маошлик енгил иш бор», деганига нафақат қишлоқдошлари, қўшни Янгибозор туманидан бир гуруҳ ёшлар ҳам ишонди. Ниҳоят, 2008 йил март ойида 55 нафар одамни чет давлатдаги ғишт заводига ишга олиб борди. Ҳали кетиш арафасидаёқ у алданган бечоларнинг паспортларини гаров сифатида олиб қўйганди. Борибоқ барча паспортларни завод директори Ража деган кимсага топширди. У аввалида ҳамюртларига иш кунини саккиз соат, деб айтди. Ҳафтада бир кун дам олиш куни бўлди. Лекин юқоридаги келишувлар ёлғон бўлиб чиқди. Иш вақти 12 соатга чиқарилди, дам олиш куни бекор бўлди. Маош эса олдин келишилган миқдорда қолаверди... Солайбой эса Ражанинг ўнг қўли бўлиб, ҳамюртларини назорат, ҳатто ҳақорат қилиб турди.

Тинимсиз меҳнат, ҳақорат ва зулмдан безган айрим йигитлар «отам касал бўлибди» деган баҳона топиб юртига қайтди. Кетар чоғи улар ишлаган ҳақларини сўрасалар, Солай фақат йўлкирага етгулик пул бериб, «Қолганини боргандан сўнг ҳисоблашаман», деб алдади...

«Солай аканинг ваъдаларига учиб, нима топдим? — дейди алданган Жавлонбек Қўчқоров. — 12 соатлик тинимсиз иш тинкамни қуритди, яна Солай аканинг ҳақоратлари, калтаклаши... Бир амаллаб баҳона топиб, уйга қайтдим. Ваъда қилинган иш ҳақининг ярмини ҳам беришмади».

С.Матўрозовни суд олти йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилди. Жабрланган, алданганлар фойдасига етти миллион сўмдан зиёд иш ҳақларини ундириш белгиланди.

●●●

...Хонқа туманининг «Олажа» қишлоғида яшовчи холамизнинг ўғли ҳам бир танишининг ширин ваъдаларига учиб, хорижга ишга кетганди. Орадан кўп ўтмай унинг ўша давлатдаги бир касалхонада вафот этгани ҳақида хабар келди. Оғаинилари суягини ёт ўлкаларда қолдирмаслик учун топганини ўртага ташладилар. Бирови молини сотди, бошқаси қимматбаҳо тақинчоқларини бозорга солди. Икки миллионча пул тўплаб, кичик иниси йўлга тушди.

У бир ҳафтадан сўнг акасининг ўлигини ҳам, тиригини ҳам тополмай қайтиб келди. Маълум бўлишича, ака ўша ерда хасталаниб, пуллик касалхонага тушган. Ўн кунча даволаниб, анча чиқимдор бўлган. Харажатлари ошиб кетгач, кечаси қочишдан бошқа чора тополмаган. Даволовчи врач унинг «касаллик варақаси»дан яшаш манзилини топиб, «вафот этди» деган хабар юборган. Нияти — кимдир «мурда»ни олиб кетишга келса, харажатларини ундириш. Шифокор мақсадига эришди — акаси «ўлигини» олиб кетишга борган инисидан олти юз минг сўмни қуртдек санаб, «акангиз тирик!» дея суюнчи ҳам олди...

Холамизнинг ўғли ҳамон ўша ёқларда юрибди. Юртга келай деса юзи чидамайди — иниларини катта сарф-харажатга туширган. Ишлаб топгани эса қорнидан ортмайди...

●●●

...Ўтган йили Боғот туманининг «Деҳқонбозор» қишлоғидан икки нафар йигитнинг кетма-кет жасади келди. Иккови ҳам бировларнинг гапларига учиб, ўзга юртларда адашиб юрганлардан эди. Ҳаётдан бевақт кетган йигитларнинг онаизорлари одам савдоси билан шуғулланиб, бойишни касб қилган иймонсиз кимсаларни қарғаганларини ўз қулоғимиз билан эшитдик... Бу қарғишда пушаймонлик бор. Афсуски, кечиккан пушаймонлик. Ота-оналар вақтида фарзандларининг ўзга юртларга кетишига астойдил қаршилик кўрсатишганда бугунги пушаймонлик ва фожиалар ҳам бўлмас эди...

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.